

Хар бир миллат хаётининг тун ва куни, инкиroz ва уйгониш паллалари бўлади. Худуди факат Яратгангагина маълум бўлган бу жараён жамият наздида турли белги-ишоратлар, рамз-тимсоллар шаклида зухр этади. Буни эврилиш жараёни, такдир конунияти ёхуд МЕЗОН дейишиади. Шомирза Турдимов ижод этган МЕЗОН асари шу хакда...

Жаҳон адабиётини узлуксизлик ва мунтазамликда кузатганлар яхши билишадики, борлик ва инсон рухиятидаги ўзгаришлар энг аввал сўзда акс-садо беради. Яъни бунда карvonбоши вазифасини сўз бажаради. У маълум макон ва замон майдонида шаклу шамойил касб этгач, бир муносиб кимсани, сабр косаси лиммо-лим тўлган ижодкор бир кимсани танлайди. Унинг рухияти, онг-шуурини буткул эгаллайди. Уни хакикий Мажнунга айлантиради. Шу тарика сўз вокеликка - бадиий асарга айланади...

Гарчи, эндиликда бу сўз ўзининг асл сехру тароватини, рангу тусини бир кадар йўкотган бўлса-да, улкан илохий вокеликдан бир улги, бир ишорат ўларок ўз хаётини бошлайди. Асл сўзни эндиликда жамият, миллат ва бадиият мезонлари билан ўлчай бошлайдилар. МЕЗОНда айтилганидек, эндиликда мезонлар ўзгаради, талкин талкинга халал беради, талкин талкинни бузади. Аммо на чора...

Журнал тахририяти нашр этишга жазм килган “Мезон” асарини мутолаа килган дастлабки ўкувчи машхур “Лайли ва Мажнун” афсонасини эслайди. Сўнгра Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Фузулий ва буюк Алишер Навоийни ёдга олади. Тарихий фактларга кўра шарқ дунёсида “Лайли ва Мажнун” афсонасига мурожаат килмаган даврнинг, шахснинг ўзи кам. Афсона ва ривоятларни истисно этганда хам, бу мавзуда ёзма адабиёт тарихида юз ўттизга якин асар ёзилган. Жараён бугунга кадар шиддат-ла давом этмокда ва унинг интихоси-ю сабаби бизга маълум эмас. Бир карашда Ш.Турдимов “Мезон” дея номлаган асар марказида хам шу афсона туради. “Мезон”нинг дунёга келишини адабий-тарихий жараён колипларига соладиган бўлсак, ажабтовур конуниятни, яъни соф адабий мезонни англаандек бўламиз. Вокеан, адабий жараёндаги колиплар ўрнини нисбий эркинлик олган барча даврларда мана шунга ўхшаш асарлар дунёга келганига, мезонлар синиб, шу синиклар негизида янги мезонлар пайдо бўлганига тарих гувоҳ. Нафакат миллий адабиётимизда, балки жаҳон адабиётида хам, сўз санъатидаги эврилишлар уч омил негизида рўй берган – фольклор, мумтоз ёзма адабиёт ва замонавий дунё адабиёти туташган нуктада янги адабий вокелик юз кўрсатган.

“Мезон”да шарқ фольклорида мавжуд “Лайли ва Мажнун” афсонасини хам, машхур “Хамса” достонлари гултожи “Лайли ва Мажнун”ни хам, борлик ва инсонинятнинг азалу абад муаммоларини хам, колаверса, бугунги замон нафасини хам туйиш мумкин. Хазрат Навоий талкин этганидек:

Лекин чу ракамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун...

Зотан, бу афсона замонлар ва одамлар хакидаги улкан тарихни ўзида ифодаловчи улкан рамз – энг катта мезондир.

Замондошимиз Ш.Турдимов адабиёт ва хикмат денгизидан олган улгилари, билим ва тажрибаси, Оллох берган калби, истеъдоди боис шундай катта мавзуга кўл урган экан, буни шубҳасиз кувончли ходиса, миллий адабиётимиздаги бир янгилик ўларок кабул килмок инсофдандир.

Ўкувчи учун у кадар ахамияти бўлмаса хам, адабиётшунос-олимларимизни “Мезон”ни кандай жанрга нисбат бериш керак, деган масала кизиктирмай колмайди. Колаверса, илм ва адабий жараён конуниятлари деган гаплар бор.

Табиатан ўта камтарин бўлган муаллиф эътиrozларидан кўз юмиб айтишни хоҳлардимки, “Мезон”да роман хам, кисса ва хикоя хам, драма ва шеър хам бор. У асло маллиф камсуқумлик илиа белгилаб кўйган сценарийнинг ўзигина эмас. Мезон бевосита катта адабиётга дахлдор асар. Катта адабиётга эса хар доим синкетиклик хос бўлади. Катта адабиётга ишора килган асар, шубҳасиз, миллий адабиётимизнинг ютугидир.

Узок ЖЎРАКУЛОВ,
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти